



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th June, 2025

**НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ВЕБ-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ
АСОСЛАРИ**

Тураева Комила Тоҳиржонова

Ўзбекистон Республикаси Олий Ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Наманган Давлат Университети Конференция Мақоласи

Наманган давлат университети, 2-босқич докторанти Наманган – 2025

Annotatsiya

Мазкур мақолада немис тилини ўрганиш жараёнида веб-квест технологияларини қўллаш орқали талабаларда маданиятлараро коммуникация компетенциясини шакллантиришнинг услубий асослари таҳлил қилинган. Ўқув жараёнида веб-квестлардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ижтимоий-маданий билимлари, танқидий фикрлаш, мулоқот ва гуруҳда ишлаш каби кўникмаларининг шаклланиш хусусиятлари ёритилган.

Abstract

This article analyzes methodological foundations for developing students' intercultural communication competence through web-quest technologies in German language classes. The paper discusses how the application of web-quests enhances students' socio-cultural awareness, critical thinking, communication, and collaboration skills.

Kalit soʻzlar: веб-квест, немис тили, маданиятлараро коммуникация, талабалар компетенцияси, ижтимоий-маданий онг, педагогик технологиялар.

Keywords: web-quest, German language, intercultural communication, student competence, socio-cultural awareness, pedagogical technologies.



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th June, 2025

Kirish

Глобаллашув жараёни дунёдаги барча соҳалар қатори таълим соҳасига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, чет тилларини ўқитиш жараёнида фақат тил билимини эмас, балки маданиятлараро мулоқотда самарали иштирок этиш қобилиятини шакллантириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бу компетенция талабаларнинг турли маданий муҳитларда эркин фикр алмашинуви, ахборотни тўғри қабул қилиши ва бошқалар нуқтаи назарини тушунишга тайёрлигини таъминлайди. Мазкур мақолада айнан немис тилини ўрганиш жараёнида веб-квест технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларда маданиятлараро компетенцияни шакллантиришнинг услубий асослари таҳлил қилинади. Ўқув жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, хусусан веб-квестлардан фойдаланиш, талабаларни мустақил изланишга, танқидий таҳлилга ва ижодкорликка ундайди.

Material va metodlar

Тадқиқотда сифатли таҳлил усули, хусусан педагогик кузатиш, ўқув жараёнини мониторинг қилиш, талабалар фидбекларини ўрганиш ва таҳлил қилиш каби услублардан фойдаланилди. Немис тилини ўқитишда маданиятлараро мазмундаги веб-квестлар тузилди ва улар асосида талабалар гуруҳларида ишлашган. Топшириқлар Dodge моделидан келиб чиқиб, куйидаги қисмлардан ташкил топди: кириш, вазифа, манбалар, фаолият, баҳолаш ва хулоса. Ҳар бир гуруҳга алоҳида мавзуда маданий вазият берилди ва талабалар ушбу мавзунини таҳлил қилиб, тақдимот шаклида ҳимоя қилишди. Тадқиқотда талабаларнинг ахборотни излаш, саралаш, жамоавий фикр юритиш ва маданий ҳассослик кўникмалари таҳлил этилди.

Natijalar

Таҳлиллардан келиб чиқиб, веб-квестлар куйидаги кўникмаларни ривожлантириши аниқланди: 1) маданиятлар ҳақида билимни мустақил излаш; 2) таҳлилий фикрлаш орқали тақдимот қилиш; 3) маданий фарқларга ҳурмат билан ёндашиш; 4) ахборот манбаларини саралаш. Немис тили дарсларида бундай фаолиятлар талабаларда ижобий мотивация, мулоқот қобилияти ва маданий англашни ривожлантирган. Бу расмда веб-квест



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfseries.com

11th June, 2025

топшириқларининг тузилиш тузилмаси тасвирланган: Кириш – вазифа – ресурслар – амалга ошириш – баҳолаш – хулоса

1-расм. Web-Quest тузилиш модели (Dodge, 1995)

Бу расмда веб-квест топшириқларининг тузилиш тузилмаси тасвирланган: **Кириш – вазифа – ресурслар – амалга ошириш – баҳолаш – хулоса**

1-жадвал. Маданиятлараро коммуникация компетенциясининг таркибий қисмлари

№	Компонент	Таърифи
1	Билим	Турли маданиятлар ҳақида билимга эга бўлиш
2	Кўникма	Мулоқотда маданий фарқларни ҳисобга олиш
3	Қарор қабул қилиш	Маданий вазиятларда тўғри ечим топиш
4	Таҳлил	Маданий маълумотларни таҳлил қилиш қобилияти

Масалан, Dodge (1995) томонидан таклиф этилган модел веб-квест тузишда асос бўлади. Ушбу ёндашув маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришда фойдалидир (Tomalin & Stempleski, 1993).

Муҳокама

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, веб-квест технологиялари маданиятлараро таълимда катта имкониятларни яратади. Улар орқали талабалар нафақат тилни ўрганиш, балки турли маданиятларни чуқур англаш ва ҳурмат қилишни ҳам ўрганишади. Айниқса, немис тили дарсларида бундай ёндашув талабаларнинг ижобий мотивациясини шакллантириб, уларни фаол иштирокчига айлантиради. Талабалар ўртасидаги ҳамкорлик, фикр алмашинуви ва жамоавий ишлаш қобилияти орқали уларнинг ижтимоий қобилиятлари ривожланади. Шунингдек, рақамли платформалардан фойдаланиш билимларни визуал ва интерфаол тарзда



Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: econfséries.com

11th June, 2025

Ўзлаштиришга ёрдам беради. Бундай фаолият турлари орқали талабаларда билимга эга бўлиш билан бирга, маданий ва ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳам шаклланади.

Xulosa

Немис тили дарсларида веб-квест технологияларидан фойдаланиш талабаларда маданиятлараро коммуникация компетенциясини самарали шакллантириш имконини беради. Ушбу технология асосида ўқитиш талабаларни мустақил фикрловчи, маданий жиҳатдан ҳушёр ва глобал мулоқотга тайёр шахс сифатида тарбиялашга ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Berns, M. (2012). Contextualizing Teaching Using Web-Tasks for ICC. *TESOL Quarterly*, 46(1), 87–105.
2. Levy, M., & Stockwell, G. (2006). *CALL Dimensions: Options and Issues in Computer-Assisted Language Learning*. Routledge.
3. Kramsch, C. (1998). *Language and Culture*. Oxford University Press.
4. Schulz, R. A. (2007). The challenge of assessing cultural understanding in the context of foreign language learning. *Foreign Language Annals*, 40(1), 9–26.
5. Эргашева, С. (2023). Веб-квест технологиялари орқали талабаларда рақамли таълим қобилиятларини шакллантириш. *Ilm va Taraqqiyot*, №4, 45–51.